

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**УСМАНОВА НАФИСА ЮНУСОВНА**

**ЭНДОМЕТРИЙНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ПАТОЛОГИЯЛАРИ  
МАВЖУД АЁЛЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА ОЛИБ БОРИШДА  
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология  
14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Medical Sciences**

**Усманова Нафиса Юнусовна**

Эндометрийнинг морфофункционал патологиялари мавжуд аёлларни  
ташхислаш ва олиб боришда дифференциал ёндашув..... 3

**Усманова Нафиса Юнусовна**

Дифференцированный подход к диагностике и ведению женщин с  
морфофункциональными патологиями эндометрия..... 23

**Usmanova Nafisa Yunusovna**

Differentiated approach to diagnosis and management of women with  
morphofunctional pathologies of the endometrium ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published papers..... 47

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**УСМАНОВА НАФИСА ЮНУСОВНА**

**ЭНДОМЕТРИЙНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ПАТОЛОГИЯЛАРИ  
МАВЖУД АЁЛЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА ОЛИБ БОРИШДА  
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология  
14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Tib4405 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ихтиярова Гульчехра Акмаловна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Дустова Нигора Кахрамоновна**  
тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Рахматуллаева Махфуза Мубиновна**  
Тиббиёт фанлари доктори(DSc), доцент

**Ахмаджанова Гулноза Мурадовна**  
тиббиёт фанлари доктори(DSc), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**С.Д.Асфендияров номидаги Қозоғистон  
миллий тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел.: +998-95-911-00-50. e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 12-уй).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилган.

(2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси)

**Д.Т. Ходжиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

**Н.Ш. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

**С.С. Пулатов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида эндометрий патологияси аёлларнинг репродуктив соғлиғининг бузилиши, бепуштлиқ ва онкологик касалликларнинг энг муҳим сабабларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйлаб 420 мингдан ортиқ эндометрий саратонининг янги ҳолатлари аниқланади. Бу ҳолатларга олиб келувчи гиперпластик жараёнлар ва сурункали яллиғланишлар эса ҳанузгача хавф омиллари сифатида етарли даражада баҳоланмаяпти<sup>1</sup>. Перименопаузал ёшдаги аёллар орасида эндометрий гиперплазияси тарқалиши 10% дан 40% гача, бепуштлиқ ёки одатий ҳомила тушишлари муаммоларида кузатиладиган бемор аёлларнинг деярли ҳар бешинчисида эса сурункали эндометрит аниқланади. Халқаро клиник тавсиялар (жумладан, ESHRE ва ACOG) эндометрийнинг морфофункционал бузилишларини ўз вақтида ва аниқ диагностик қилишнинг аҳамиятини, бу эса саратонгача бўлган ҳолатларни эрта аниқлаш ва репродуктив технологиялар самарадорлигини оширишда муҳим эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шу омиллар эндометрий патологияси муаммосини аёллар соғлиғини муҳофаза қилишнинг глобал тизимидаги энг муҳим йўналишлардан бирига айлантиради

Жаҳон миқёсида эндометрийнинг яллиғланиш-дегенератив ва гормонал ўзгаришлар билан кечувчи сурункали шаклларини аниқлаш алоҳида мураккаблиқ туғдиради. Бундай ҳолатлар кўпинча одатий ташхис усуллари орқали аниқланмайди. Эндометрий рецептивлигининг бузилиши, гормонал рецепторлар экспрессиясининг пасайиши, яллиғланиш ҳужайраларининг экспансияси ва улар билан боғлиқ иммуногистокимёвий ҳамда молекуляр маркерлар ҳозирги кунда илмий тадқиқотларнинг марказида турибди. Мавзунинг долзарблиги эндометрий патологияларини аниқлашда морфологик, гормонал ва клиник-анамнестик маълумотларни интеграция қилган ҳолда персоналлаштирилган диагностик алгоритмларни ишлаб чиқиш зарурати билан ҳам асосланади. Анъанавий усуллар ва юқори аниқликдаги технологияларни (иммуногистокимё, микробиом таҳлили, рақамли морфоанализ) ўзаро уйғунлаштирган дифференциаллашган ёндашувлар халқаро гинекологияда стандартга айланмоқда.

Мамлакатимизда ҳам эндометрий гиперплазияси, сурункали эндометрит, бачадондан аномал қон кетиш ҳолатлари ва улар билан боғлиқ репродуктив бузилишлар сони ортиб бормоқда. Гинекологик патологиялар тузилмасида бу ҳолатлар, айниқса, кеч репродуктив ва перименопаузал ёшдаги аёллар ўртасида 30–40% гача бўлган улушни ташкил этади. Клиник амалиётда эндометрийнинг морфофункционал омилларини етарлича инобатга олмаслик, морфологик маълумотларни талқин қилишда тизимли ёндашувнинг етишмаслиги, диагностиканинг стратификациялашган моделларининг камлиги каби муаммолар долзарблигини сақлаб қолмоқда. Бундай ёндашув аёллар маслаҳатхоналарида профилактикага қаратилган моделини ривожлантириш, рақамли диагностика ва далилларга асосланган тиббиётни мустаҳкамлашга қаратилган давлат сиёсатига ҳам мос келади.

---

<sup>1</sup> World Health Organization. Endometrial cancer: early diagnosis and screening. Geneva: WHO; 2023. Available at: <https://www.who.int/publications/i/item/9789240075233>. Accessed: June 3, 2025.

Ушбу диссертация иши «Янги Ўзбекистон – 2030» тараққиёт стратегияси ҳамда аёллар репродуктив соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги ислохотларга оид дастурий ҳужжатларда белгиланган вазифалар доирасида амалга оширилмоқда. Жумладан, устувор йўналишларнинг IV ва VII мақсадларида «Аёлларда онкологик ва саратонгача бўлган касалликларни эрта аниқлаш сифатини ошириш ва уларнинг олдини олиш», шунингдек, «АХТТ (аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг биринчи бўғини) доирасида персоналлаштирилган тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш» белгиланган (ПҚ–60, 28.01.2022; ПФ–6110, 12.11.2020; ПҚ–4891, 12.11.2020)<sup>2</sup>. Шунингдек, 2022–2026 йилларга мўлжалланган соғлиқни сақлаш тизимини комплекс ривожлантириш режасида ҳам «гинекологик касалликларни замонавий технологиялар асосида аниқлаш самарадорлигини ошириш» зарурлиги таъкидланган. Шу нуқтаи назардан, аёлларда эндометрий патологиясининг морфофункционал сабабларини аниқлашга қаратилган илмий асосланган тадқиқотни амалга ошириш Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими учун ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технология ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий адабиётларда эндометрий патологиясининг молекуляр ва иммунологик жиҳатлари, жумладан, рецептор профилидаги ўзгаришлар, хужайравий пролиферация маркерлари ҳамда яллиғланиш инфилтратлари фаол ўрганилмоқда. CD138 ва Ki-67 экспрессиясини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар уларнинг сурункали эндометрит ва гиперплазияни эрта аниқлашдаги аҳамиятини тасдиқлади (Reed S.D., Newton K.M., 2016). Шунингдек, тўқималарнинг гормонал сезувчанлигига асосланган рецидив хавфини башорат қилишга оид моделлар ишлаб чиқилмоқда (Okada H., Tsuzuki T., 2018).

МДХ давлатларида олиб борилган тадқиқотлар асосан эндометрий гиперплазияси ва сурункали эндометритнинг патогенетик механизмларини аниқлашга ҳамда замонавий иммуногистокимёвий усуллардан фойдаланишга қаратилган. Прогестерон ва эстроген рецепторлари, шунингдек, яллиғланиш ва апоптоз маркерлари экспрессияси асосида ташхис қўйиш схемалари таклиф этилган (Оразов М.Р., 2018; Сидорова И.С., 2019). Шу билан бирга, мавжуд маълумотларга қарамай, аксарият нашрларда бирламчи ва амбулатор бўғин шароитига мослаштирилган хавфни стратификация қилишга оид комплекс алгоритм тақдим этилмаган.

Ўзбекистонда перименопауза ва кеч репродуктив ёшдаги аёлларда эндометрийнинг морфофункционал ҳолатини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар асосан гормонал статус билан бачадон шиллиқ қаватининг тузилишдаги ўзгариш турлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш мақсадида ўтказилган. Эндометрий гиперплазиясининг учраши, сурункали эндометритнинг кечиши ва эндометрийнинг пролифератив фаоллигига баҳо бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган (Нурханова Н.О. 2024). Баъзи

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

минтақавий ишларда саратонгача бўлган ўзгаришларнинг хавф омилларини эрта морфологик аниқлаш имкониятлари кўриб чиқилган (Магзумова Н.М., Каримова К.О., 2016). Бироқ, шу вақтгача клиник, гормонал ва гистокимёвий маркерларни ҳисобга олган ҳолда рецидив хавфини башорат қилиш ва даволашни индивидуаллаштиришга йўналтирилган яхлит модел мавжуд эмас.

Шу тариқа, эндометрийнинг морфофункционал бузилишлари муаммоси рецидивлар юқорилиги, гормонал резистентлик ҳамда даволашни персоналлаштиришдаги қийинчиликлар туфайли ҳануз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотнинг у бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг (01.2022 PhD 142) илмий-тадқиқот ишларининг режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)» доирасида олиб борилди.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Эндометрий патологиясини иммуногистокимёвий, биокимёвий ва клиник-гормонал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташхислаш самарадорлигини оширишдан иборат .

**Тадқиқот вазифалари:**

кечки репродуктив ёшдаги аёлларда эндометрий патологияларининг тарқалишини ўрганиш ва хавф предикторларини аниқлаш;

эндометрий патологияларида дифференциал ёндашув ва олиб бориш тактикасини иммуногистокимёвий маркерлар орқали баҳолаш;

кечки репродуктив даврдаги аёлларда эндометрий касалликларининг клиник-морфологик типологиясини аниқлаш;

биокимёвий ва иммуногистокимёвий курсаткичларни комплекс баҳолаш асосида дифференциаллаштирилган диагностик алгоритминини ишлаб чиқиш ва унинг эндометрий патологиясига чалинган аёллар учун персоналлаштирилган даволаш тактикасини белгилашдаги диагностик аҳамиятини баҳолаш.

**Тадқиқот объекти.** Тадқиқот объектини клиник жиҳатдан верификация қилинган эндометрий патологиясининг турли шакллари (эндометрий гиперплазияси, сурункали эндометрит, эндометриал полип) эга кечки (36-45 ёш)репродуктив ёшдаги аёллар ташкил этади.

**Тадқиқот предмети** сифатида бачадон шиллик қаватидаги патологик ўзгаришларнинг тузилиш ва функционал сабабларини ифодаловчи клинко-гормонал, биокимёвий ва иммуногистокимёвий хусусиятлар ўрганилган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда клиник, гормонал, биокимёвий, иммуногистокимёвий текширув усуллари, анамнез йиғиш, ультратовуш текшируви, гистероскопия, эндометрийнинг пайпел-биопсияси, стероид гормонларни (эстрадиол, прогестерон, ФСГ, ЛГ) лабораторияда аниқлаш, стероид гормонлар (ФСГ, ЛГ, эстрадиол, прогестерон) даражасини лаборатор аниқлаш; гормон рецепторлари (ER, PR), CD138, CD3, Ki-67, Vcl-2 маркерларини иммуногистокимёвий аниқлаш, шунингдек, маълумотларни статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

Биокимёвий (С-реактив оқсил, ферритин) ва гормонал (ФСГ, эстрадиол)

курсаткичлар асосида ишлаб чиқилган дифференциал диагностик интерфейс модели беморларни типология бўйича персоналлашган ёндашув имконияти баҳоланган;

эндометрийнинг без ва строма компонентларида эстроген ва прогестерон рецепторларининг экспрессияси патологик жараён тури билан бевосита боғлиқлиги ва эндометрийнинг турли патологияларини ташхислашда прогностик маркер бўлиб хизмат қилиши исботланган;

биокимёвий ҳамда иммуногистокимёвий курсаткичлар йиғиндиси булган пролиферация даражасининг ошиши (Ki-67), апоптозга чидамлилик даражаси (Bcl-2), эндометрийнинг PRга гормонал сезувчанлигининг пасайиши ва яллиғланиш инфильтрациясининг ифодаланганлиги (CD138, CD3) касалликнинг қайталаниши ва даволаш самарадорлигининг асосий омиллари эканлиги исботланган;

кечки репродуктив ёшдаги аёлларда қайталаниш ва онкологик хушёрликни башорат қилиш учун эндометрийнинг морфологик типологияси ва патологиясини ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижаларидан иборат:**

эндометрий патологияси бўлган аёлларда гиперплазия ва сурункали эндометритнинг турли морфологик шакллар учраш частотаси аниқланди;

гиперпластик ва яллиғланиш хусусиятига эга эндометрий шикастланишларига хос бўлган клинко-гормонал ва морфологик хусусиятлар белгиланди;

сурункали эндометритни аниқлашда иммуногистокимёвий ва анъанавий морфологик усулларнинг самарадорлиги қиёсий баҳоланди;

гиперплазия ҳолатида рецидив хавфини стратификация қилишда эндометрий рецептор профилининг (ER, PR) кўшимча диагностик мезон сифатида аҳамиятли экани кўрсатиб берилди;

эндометрий патологиясини баҳолашда клиник, гормонал ва морфо-иммуногистокимёвий таҳлилларни бирлаштирган ҳолда комплекс ёндашув зарурлиги илмий жиҳатдан асосланди;

мазкур усулларни ўз ичига олган, Ўзбекистон клиник амалиёти шароитига мослаштирилган диагностик алгоритм таклиф этилди.

#### **Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қуйидагилар билан тасдиқланади:**

клиник, морфологик, иммуногистокимёвий, гормонал ва статистик усулларни қамраб олган, бир-бирини тўлдирувчи диагностик ёндашувлардан фойдаланилгани натижасида олинган маълумотларнинг холислиги ва тўлиқлиги таъминланди;

тадқиқот дизайнидаги методологик аниқлик, тадқиқот вазифалари, усуллари ва натижалар таҳлили ўртасидаги узвий мантиқий боғлиқлик;

эндометрий патологиясининг турли шаклларида эга етарлича сонидаги беморларни қамраб олган текширув, бу эса статистик ишонччилик ва натижалар интерпретациясининг барқарорлигини таъминлади;

олинган маълумотларни халқаро ва миллий илмий манбалар (PubMed, FIGO, ACOG) натижалари билан таққослаш орқали далилларга асосланганлиги таъминланди;

тадқиқот хулосаларининг Ўзбекистондаги амалдаги клиникалар ва

гинекология бўлимлари шароитида такрорий тасдиқланиши, бу эса унинг амалиётбоплиги ва натижаларни соғлиқни сақлаш тизимига кенг жорий этиш имкониятини кўрсатади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти**

**Илмий аҳамияти:** тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эндометрий патологияларининг морфофункционал табиати тўғрисидаги замонавий тасаввурларни кенгайтириш, аёлларда эндометрий гиперплазияси ва яллиғланиш ҳолатларининг стратификацияси учун диагностик мезонлар ва маркерларни асослаш билан изоҳланади.

**Амалий аҳамияти:** ишлаб чиқилган диагностик алгоритм гинеколог шифокорига эндометрий гиперплазияси, эндометриал полип ҳамда сурункали эндометритга чалинган беморга нисбатан персоналлаштирилган даволаш тактикаси танлаш имконини беради, даволаш самарадорлигини оширади ва асоратларни олдини олишга ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Эндометрий патологиясининг турли шаклларига эга кеч репродуктив ёшдаги аёлларда ўтқазилган клиник-гормонал, иммуногистокимёвий, биокимёвий ҳамда статистик текширувлар асосида олинган илмий натижалар:

*биринчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* гормонал ҳолатни эрта баҳолаш орқали ортикча ташхис усуллари сони камайди, ташхис аниқлиги ошди, даволаш уз вақтида бошланди, бу эса аёлларнинг ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган текширув протоколи орқали ташхисий кюретаж ва такрорий УТТлар сони камайди, бу бир нафар бемор учун ўртача 520 000 сўмгача маблағни тежаш имконини берди. *Хулоса:* Эндометрий патологиясида клинко-гормонал стратификация орқали ташхис аниқлиги ошди, диагностик хатолар сони камайди, бачадондан қон кетишидан шикоят қилувчи аёлларни поликлиника ҳамда стационар босқичларида ягона стандарт бўйича йўналтириш тизими такомиллашди.

*иккинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Эндометрий рецептор ҳолатини таҳлил қилиш орқали гормонал терапияни тўғри танлаш аниқлиги ошди, гиперплазия рецидивлари ва такрорий жарроҳлик аралашувлари сони камайди, аёлларнинг ҳаёт сифати яхшиланди ва даволаш муддати қисқарди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Самарасиз терапиядан воз кечиш ва ўз вақтида самарали схемаларга ўтиш орқали рецидив хусусиятига эга эндометрий патологияси бўлган бир нафар беморга тўғри келадиган харажат 600 000 сўмгача қисқартирилди. *Хулоса:* Эндометрий рецептор профили гиперплазия ва сурункали эндометритни даволашда персоналлаштирилган ёндашувни таъминловчи, фойдаланишга қулай ва юқори маълумотли маркер бўлиб, гинекологик касалликларни ташхислаш клиник алгоритмларига киритилиши лозим.

*учинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* CD138 маркерини қўллаш орқали сурункали эндометрит эрта босқичда аниқланиш кўрсаткичи ошди, бачадондан аномал қон кетишлар рецидивлари бартараф этилишига эришилди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Сурункали эндометритнинг эрта верификация қилиниши орқали асосиз антибиотикотерапия курслари ва репродуктив аралашувлардан воз кечиш

мумкин бўлди, натижада ҳар бир бемор учун 840 000 сўмгача бюджет маблағлари тежалди. *Хулоса:* CD138 бўйича иммуногистокимёвий ташхис амалиётда эндометрий сурункали яллиғланишини аниқлаш стандарти сифатида ўзини оқлади ва репродуктив функциянинг бузилиши кузатиладиган беморларни текшириш протоколларига мажбурий тарзда киритилиши тавсия этилади.

*тўртинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* Эндометрий патологиясининг асосий сабабини эрта ва аниқ аниқлаш орқали ўз вақтида даволаш кўрсаткичлари яхшиланди, асоссиз аралашувлар сони камайди, қайта муружаатлар фоизи пасайди. Бу репродуктив саломатлик ва беморларнинг умумий қониқиш даражасини оширишга хизмат қилди. Илмий янгиликнинг *иқтисодий самарадорлиги:* Текширув алгоритмини стандартлаштириш ва такрорий ташхислаш усуллари камайтириш орқали амбулатор ва стационар бўғинларда бир беморга тўғри келадиган харажат 710 000 сўмгача камайтирилди. *Хулоса:* Дифференциаллаштирилган ташхис алгоритмини акушерлик-гинекологик муассасалар амалиётига жорий этиш клиник фикрлашни стандартлаштиришга, тиббий-иқтисодий қарорлар самарадорлигини оширишга ва эндометрий касалликларини дастлабки ташхис босқичида далилларга асосланган тиббиёт принципларини жорий этишга хизмат қилди.

Олинган натижалар Самарканд шаҳар 3- сон тугрук мажмуасида (12 май 2025 йилдаги 191-сонли буйруги), ҳамда Республика иктисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий -амалий тиббиёт маркази давлат муассасасининг Бухоро вилоят филиалида (8май 2025 йилдаги 34-сонли буйруги) амалиётга жорий этилган .

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Илмий янгиликларни соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2025 йил 25-апрелдаги № 04/5163-сонли хати юборилган. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 7 июлдаги 21-сонли йиғилиш баённомасига асосан илмий тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича 21/09-сонли ягона хулоса олинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги

асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объекти ва предмети белгилаб берилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш ҳолати, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эндометрий патологияси муаммосига замонавий ёндашув: адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида кеч репродуктив ёшдаги аёлларда эндометрийнинг морфофункционал, эндокрин ва иммун ўзгаришларига оид асосий назарий қарашлар келтирилган. Эндометрийнинг ёшга оид қайта шаклланиш хусусиятлари, шу жумладан хужайравий қариш, фиброзга айланиш жараёнлари ва рецептивлик бузилишлари кўриб чиқилган. Шунингдек, бачадон шиллиқ қаватидаги гиперпластик ва яллиғланишли ўзгаришларнинг патогенези таҳлил қилинган.

Диссертациянинг "**Беморларнинг клиник тавсифи ва эндометрийнинг морфофункционал бузилишларини ўрганиш усуллари**" деб номланган бобида ретроспектив, проспектив ва назорат гуруҳларини ўз ичига олган тадқиқот тузилмаси тақдим этилган. Тадқиқот икки босқичда ўтказилган - ретроспектив ва проспектив, эндометрий патологиясининг турли шакллари бўлган 237 нафар кеч репродуктив ёшдаги беморларни қамраб олган. Кузатув даври РШТЁИМ Бухоро филиали шошилинич гинекология бўлими яъни тадқиқот базасининг 2020 йилдан 2024 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган.

Биринчи босқичда гинекологик шикоятлар, жумладан, бачадондан аномал қон кетиши, ҳайз циклининг бузилиши, оғриқ синдроми бўйича тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган 97 нафар беморнинг касаллик тарихини таҳлил қилиш кўзда тутилган. Ушбу массив ретроспектив таҳлилга асос бўлди, унинг мақсади эндометрий патологиясининг асосий шакллариининг тузилиши ва учраш частотасини аниқлаш бўлган. Таҳлил натижаларига кўра, кўпинча қуйидагилар аниқланган: эндометрий гиперплазияси ( $n = 41$ ; 42,3%), сурункали эндометрит ( $n=34$ ; 35,0%) ва эндометриал полиплар ( $n=22$ ; 22,7%).

Иккинчи босқичда, анамнез, шикоятлар ва ультратовуш текшируви маълумотларига кўра эндометрий патологиясига шубҳа билан қабул қилинган 120 нафар кеч репродуктив ёшдаги беморларни проспектив кузатишдан иборат бўлган. Клиник-диагностик текширув ва морфологик тасдиқдан сўнг, беморлар учта нозологик шаклга бўлинган: эндометрий гиперплазияси ( $n=47$ ), сурункали эндометрит ( $n=41$ ), эндометриал полиплар ( $n=31$ ).

Текширув усуллари трансвагинал УТТ (Voluson E8 аппарати) ни ўз ичига олган бўлиб, унда эндометрий қалинлиги ва эхоструктураси, фокал киритмалар ва бачадон бўшлиғи баҳоланган. Гиперпластик жараёнга шубҳа қилинганда, биопсия олиш билан офисли гистероскопияси ёки кейинчалик морфологик таҳлил билан пайпел-биопсия ўтказилган. Биопсия материали стандарт фиксация, микротомия, Гематоксиллин-эозин, PAS ва DAB билан бўялган, Leica DM2500 микроскопида 100 ва 400 катталаштирилиб ўрганилган. Морфологик хулоса безли трансформация даражаси, атипия мавжудлиги, яллиғланиш инфильтрацияси ва безли ва стромал компонентлар нисбатини баҳолашни ўз ичига олган.

Иммуногистокимёвий текширув қуйидаги маркерлар панелида ўтказилган:

CD138 - сурункали эндометритни ташхислаш учун; ER ва PR - эндометрийнинг ретцептор ҳолатини баҳолаш учун; Ki-67 - пролифератив фаоллигини аниқлаш учун; Vcl-2 - антиапоптоз маркери сифатида; CD3 - Т-хужайрали яллиғланиш жавобини текшириш учун. Allred шкаласи бўйича баҳоланган ярим автоматик визуализация тизими қўлланилган. CD138 хужайралари 10 та хужайрада  $\geq 5$  та хужайра мавжуд бўлганда ҳисобга олинган.

Параллел равишда гормонал текширув ўтказилган: эстрадиол, ФСГ, ЛГ, прогестерон даражаси цикл фазасига қараб хемиллюминесцент таҳлил усули билан аниқланган. Гиперплазия билан оғриган аёлларда эстрадиолнинг юқори даражаси ва прогестероннинг пасайиши аниқланган.

Маълумотларга статистик ишлов бериш Microsoft Excel ва SPSS дастурлари ёрдамида амалга оширилган. Тавсифий статистика усуллари, бир омилли дисперсион таҳлил (ANOVA), Стьюдента,  $\chi^2$ , Спирмен корреляцион таҳлили, Манн-Уитни U -мезони, Краскел-Уоллис мезони қўлланилган. Статистик аҳамиятлилик даражаси  $p < 0,05$  даражасида қабул қилинган.

**Диссертациянинг «Эндометрий патологияси мавжуд беморлар клинко-лаборатор ва биокимёвий характеристикаси» деб номланган учинчи бобда гиперпластик ва яллиғланишли эндометрий патологиясига чалинган беморларнинг клиник-лаборатор ва инструментал хусусиятлари ретроспектив таҳлил асосида келтирилган. Кеч репродуктив ёшдаги аёлларда клиник аломатлар, гормонал профил ва УТТ маълумотлари ўзаро таққосланган.**


Ретроспектив гуруҳ 97 нафар (умумий танламадан 40,9%) аёлларни ўз ичига олган бўлиб, уларнинг ўртача ёши  $41,1 \pm 3,5$  ёшни ташкил этган. Ташхислар УТТ, алоҳида диагностик кириш (кюретаж) ва гормонал таҳлиллар натижасига асосланиб қўйилган. Нозологиялар бўйича тақсимланиш куйидагича: сурункали эндометрит — 41 нафар (42,3%), эндометрий гиперплазияси — 22 нафар (22,7%), эндометриал полиплар — 34 нафар (35,0%). Кўпчилик беморлар (44,3%) 42–46 ёш оралиғида бўлган. Гуруҳлар ёш бўйича ўзаро солиштириладиган бўлиб, фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас ( $p > 0,05$ ).

Асосий шикоятлар: аномал бачадон қон кетишлари (АБҚК), ҳайз циклининг бузилиши, оғриқлар, патологик қин ажралмалари. Симптомлар патология турига қараб фарқ қилган. АБҚК барча тоифаларда устун бўлган, айниқса гиперплазия ҳолларида (90,9%,  $p < 0,001$ ). Эндометритда АБҚК 78,0% ҳолларда, полипларда — 64,7% ҳолларда кузатилган. Цикл бузилишлари кўпроқ гиперплазияда қайд этилган (77,3%). Олинган маълумотлар ҳайз циклининг бузилиши ва клиник белгилари патогенезида гормонал ҳамда яллиғланишли омиллар ўртасидаги дисбаланс етакчи рол ўйнаши мумкинлигини тасдиқлаган.

Ретроспектив гуруҳда менархе (биринчи ҳайз) ёши ўртача  $13,3 \pm 1,3$  ёшни ташкил этган. Эндометрий гиперплазияси бўлган беморларда бу кўрсаткич юқорироқ бўлиб,  $13,6 \pm 1,4$  ёшни ташкил этган; бу ҳолат гормонал ривожланиш кечикишидан далолат бериши мумкин. Полиплар ва эндометрит гуруҳларида бу кўрсаткичлар мос равишда  $13,2 \pm 1,2$  ва  $13,1 \pm 1,3$  ёшни ташкил этган, статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ кузатилмаган ( $p > 0,05$ ). Репродуктив анамнез структурасида беморларнинг кўпчилигида камида бир марта туғруқ бўлган. Эндометрий полиплари гуруҳида туғмаган аёллар улуши энг юқори бўлиб, 35,3%ни ташкил этган. Абортлар энг кўп эндометрит гуруҳида учраган (48,8%),

бу эса сурункали яллиғланиш жараёнларини акс эттириши мумкин. Гормонал контрацептивлардан фойдаланиш кўпроқ гиперплазия гуруҳида қайд этилган (54,5%), жинсий йўл орқали юқадиган инфекциялар эса кўпроқ эндометритда (43,9%) кузатилган. Гарчи беморларнинг аксариятида менструал функция сақланган бўлса-да, ҳар тўртинчи аёлда циклниң узайиши аниқланган. Энг яққол ҳайз цикл бузилишлари ва ҳайзлар орасидаги қон кетишлар эндометрий гиперплазияси бўлган беморларда намоён бўлган.

Ҳамроҳ соматик касалликларнинг учраши энг юқори даражада гиперплазия гуруҳида қайд килинган. Семизлик, артериал гипертензия, эндокрин ва метаболик бузилишлар эндометрий патологиясининг шаклланишига замин яратиб берувчи фон сифатида хизмат қилган. Ҳар учала гуруҳда ҳам энг кўп учрайдиган ёндош касаллик артериал гипертензия бўлган. Эндометрий гиперплазияси бўлган аёлларда у 46,3% ҳолларда қайд этилган, бу сурункали эндометрит бўлган гуруҳдаги частотага мос келган (44,1%) ва полипи бор аёллардаги худди шундай кўрсаткичдан бироз юқори (36,4%) (1-расм).



**1-расм. Ретроспектив гуруҳда соматик касалликлар**

Ретроспектив босқич шуни кўрсатдики, аксарият ҳолларда клиник ташхис биокимёвий ва яллиғланиш параметрларини ҳисобга олмасдан, аломатлар ва ултратовуш белгилари асосида қўйилган. Рецидивларнинг юқори частотаси ва стандарт баҳолашнинг паст прогностик қиймати шароитида тадқиқотнинг истиқболли босқичида диагностика жараёнини кенгайтиришга қарор қилинган.

Биокимёвий текширув яллиғланиш маркёри сифатида С-реактив оқсилни (СРО), яширин темир танқислиги кўрсаткичи сифатида ферритин даражасини, шунингдек липид профили параметрларини (умумий холестерин, паст ва юқори зичликдаги липопротеидлар) аниқлашни ўз ичига олган. Олинган маълумотлар барча биокимёвий кўрсаткичлар бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларни аниқланган ( $p < 0,01$ ), бу эндометрий патологиясининг ҳар бир шаклининг турли метаболик ва яллиғланиш профилини кўрсатган.

С-реактив оқсилнинг энг юқори даражаси сурункали эндометрит билан оғриган беморларда қайд этилган ( $17,2 \pm 1,9$  мг/л, ( $p < 0,0001$ )), бу фаол яллиғланиш

жараёнини акс эттирган. Гиперплазия ва полип гуруҳларида СРО қийматлари сезиларли даражада паст бўлган. Ферритин эндометрий гиперплазияси бўлган аёлларда минимал бўлиб чиқган ( $20,2 \pm 9,6$  нг/мл, ( $p=0,0039$ )), бу бачадондан аномал қон кетишинг юқори частотаси билан боғлиқ ва яширин темир танқислигини кўрсатган. Эндометрит ва полиплар билан оғриган беморларда ферритин даражаси юқори бўлган (1-жадвал).

### 1-жадвал.

#### Проспектив гуруҳдаги беморларда биокимёвий кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар (M±SD)	Назорат гуруҳида (n=20)	Эндометрий гиперплазия си (n=47)	Эндометрит (n=42)	Эндомет-риал полиплар (n=31)
СРО (мг/л)	$3,2 \pm 1,1$	$4,9 \pm 1,5^*$	$17,2 \pm 1,9^{***\wedge\wedge}$	$5,2 \pm 1,7^{**\alpha\alpha\alpha}$
Ферритин (нг/мл)	$44,5 \pm 8,7$	$20,2 \pm 9,6^{***}$	$158,4 \pm 10,1^{***\wedge\wedge}$ ^	$20,3 \pm 8,7^{***\alpha\alpha\alpha}$
Умумий холестерин (ммоль/л)	$4,8 \pm 0,7$	$8,2 \pm 0,8^{**}$	$5,5 \pm 0,6^{\wedge}$	$9,1 \pm 0,7^{**\alpha\alpha}$
Паст зичликдаги липопротеидлар (ммоль/л),	$3,1 \pm 0,4$	$6,3 \pm 0,7^{***}$	$3,5 \pm 0,6^{\wedge\wedge}$	$7,1 \pm 0,6^{***\alpha\alpha\alpha}$
Юқори зичликдаги липопротеидлар (ммоль/л),	$1,2 \pm 0,2$	$1,1 \pm 0,2$	$1,3 \pm 0,3$	$1,2 \pm 0,2$

Изоҳ: \* – гуруҳлар ўртасида назорат гуруҳи маълумотлари билан таққослашдаги фарқининг ишончлилик даражаси (\*- $p < 0,05$ , \*\*- $p < 0,01$ , \*\*\*- $p < 0,001$ ), ^ –эндометрий гиперплазияси гуруҳи маълумотлари билан таққослашдаги ишончлилик даражаси (^- $p < 0,05$ , ^- $p < 0,01$ , ^^- $p < 0,001$ ), α – эндометрит гуруҳи маълумотлари билан таққослашдаги ишончлилик даражаси (α- $p < 0,01$ , αα- $p < 0,001$ ).

Гормонал профил таҳлили натижасига кўра, эндометрий патологияси бўлган барча беморларда назорат гуруҳига нисбатан ФСГ даражаси ишончли даражада ошгани аниқланган. Барча нозологик шаклларда прогестерон даражаси пасайган бўлиб, айниқса эндометриал полиплар ҳолатида бу ҳолат яққол кузатилган. ЛГ, эстрадиол ва пролактин даражалари назорат гуруҳи билан таққослаганда статистик жиҳатдан ишончли фарқ қилмаган (2-жадвал).

### 2-жадвал

#### Текширилган гуруҳ аёлларида гормонал таҳлил кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Назорат	Гиперплазия	Эндометрит	Полиплар
ЛГ, ХБ/л	$7,56 \pm 1,3$	$7,58 \pm 1,5$	$7,45 \pm 1,4$	$7,71 \pm 1,6$
ФСГ, ХБ/л	$4,42 \pm 0,9$	$6,20 \pm 1,3^*$	$6,02 \pm 1,2^*$	$5,80 \pm 1,1^*$
Прогестерон, нмоль/л	$7,90 \pm 1,2$	$4,20 \pm 0,9^{**}$	$3,95 \pm 0,8^{***}$	$3,25 \pm 0,7^{***\wedge}$
Эстрадиол, пмоль/л	$253,1 \pm 88,0$	$458,3 \pm 92,5^{**}$	$310,8 \pm 96,0^{\wedge}$	$421,5 \pm 112,0^{**\alpha}$

Изоҳ: \* – гуруҳлар ўртасида назорат гуруҳи маълумотлари билан таққослашдаги фарқининг ишончлилик даражаси (\*- $p < 0,05$ , \*\*- $p < 0,01$ , \*\*\*- $p < 0,001$ ), ^ –эндометрий гиперплазияси гуруҳи маълумотлари билан таққослашдаги ишончлилик даражаси (^- $p < 0,05$ ), α – эндометрит гуруҳи маълумотлари билан таққослашдаги ишончлилик даражаси (α- $p < 0,05$ ).

Трансвагинал ультратовуш текшируви маълумотларига кўра, эндометрий қалинлигининг энг юқори кўрсаткичи гиперплазия ҳолатларида қайд этилган ( $13,5 \pm 2,1$  мм;  $p < 0,001$ ); полиплар мавжудлигида бу кўрсаткич  $10,8 \pm 1,7$  мм ни, эндометритда эса  $7,3 \pm 1,4$  мм ни ташкил қилган (3-жадвал).

## Эндометриянинг ультратовуш кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи	Эндометрия гиперплазия	Эндометрия	Эндометрия полип
Эндометрия қалинлиги (мм)	6,2 ± 1,2	13,5 ± 2,1***	7,3 ± 1,4*^^	10,8 ± 1,7**^α
Нотекис структура (%)	0	27,5	14,3	21,1
Ўчоқли гиперэхогенлик (%)	0	12,3	18,5	42,7
Қон оқимининг кучайиши (%)	0	36,6	73,1	51,8

Изоҳ: \* – гуруҳлар ўртасида назорат гуруҳи маълумотлари билан таққослашдаги фарқнинг ишончлилик даражаси (\*- $p < 0,05$ , \*\*- $p < 0,01$ , \*\*\*- $p < 0,001$ ), ^ –эндометрия гиперплазияси гуруҳи маълумотлари билан таққослашдаги ишончлилик даражаси (^- $p < 0,05$ , ^^- $p < 0,01$ ), α –эндометрия гуруҳи маълумотлари билан таққослашдаги ишончлилик даражаси (α- $p < 0,05$ ).

Комплекс текширув натижалари шундан далолат бердики, эндометрия гиперплазияси ва полиплари мавжуд ҳолларда эхографик диагностика кўпчилик ҳолатларда самарали бўлган. Сурункали эндометрияда эса морфологик тасдиқ бемор аёлларнинг ярмидан кўпиди талаб этилган, бу эса ушбу нозологик шаклда ультратовуш диагностикаси имкониятларининг чекланганлигини таъкидлайди.

Эндометрия патологиясининг учта шакли - гиперплазия, сурункали эндометрия ва эндометрия полипларнинг ҳар бирининг ўзига хос предикторларини ажратиш учун проспектив гуруҳнинг клиник-лаборатор ва гормонал параметрларининг батафсил статистик таҳлили ўтказилган (4-жадвал).

## 4-жадвал

## Кеч репродуктив ёшдаги аёлларда эндометрия патологиясининг учта шакли учун хавф предикторлари


Параметр	r гипер-плазия билан	НИ (95% ДИ), гипер-плазия	r (гипер-плазия)	r эндомет-рит билан	НИ (95% ДИ), эндомет-рит	r (эндомет-рит)	r полип билан	НИ (95% ДИ), полиплар	r (полиплар)
ИМТ $\geq 30$ кг/м <sup>2</sup>	0,53	3,2 (2,1-4,8)	<0,001	0,31	1,8 (1,1-2,9)	<0,05	0,36	2,0 (1,3-3,1)	<0,01
СРБ > 10 мг/л	0,21	1,4 (0,9-2,2)	0,08	0,52	3,1 (2,1-4,6)	<0,001	0,29	1,7 (1,1-2,6)	<0,01
Ферритин < 20 нг/мл	-0,48	2,7 (1,7-4,0)	<0,001	-0,28	1,5 (1,0-2,3)	0,04	-0,32	2,0 (1,2-3,2)	<0,01
Холестерин > 10,0 ммоль/л	0,50	3,0 (2,0-4,6)	<0,001	0,24	1,6 (1,1-2,5)	<0,05	0,41	2,5 (1,6-3,9)	<0,001
Эстрадиол > 250 пмоль/л	0,56	3,5 (2,3-5,4)	<0,001	0,22	1,4 (0,9-2,2)	0,09	0,43	2,7 (1,8-4,1)	<0,001
Артериальная гипертензия	0,45	2,1 (1,4-3,3)	<0,01	0,33	1,9 (1,2-3,0)	<0,01	0,38	2,2 (1,4-3,4)	<0,01
Частые АМК в анамнезе	0,58	3,3 (2,1-5,0)	<0,001	0,35	1,8 (1,1-2,9)	<0,05	0,31	2,1 (1,3-3,2)	<0,01

Энг аниқ боғлиқлик эндометрия гиперплазияси ва 250 пмоль/л дан юқори эстрадиол даражаси ўртасида аниқланган, бу тўғри корреляция коэффициенти ( $r = 0,56$ ) ва нисбий хавф қиймати (НИ= 3,5;  $p < 0,001$ ) билан ифодаланган. Шунга ўхшаш аҳамиятлилик даражаси ТВИ  $\geq 30$  кг/м<sup>2</sup> (НИ = 3,2), умумий холестерин > 6,0

ммол/л (НИ = 3,0) ва анамнезда бачадондан аномал қон кетиш частотаси (НИ = 3,3) кўрсаткичларида намоён бўлган. Гиперплазияда ферритиннинг паст даражаси (< 20 нг/мл) ҳам тескари корреляцияга ( $p = -0,48$ ) ва юқори хавфга (НИ = 2,7) эга бўлиб, буни сурункали қон йўқотишнинг билвосита белгиси сифатида баҳолаш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар кечки репродуктив ёшдаги аёлларда эндометрийнинг гиперпластик ўзгаришларига хос бўлган клиник-гормонал ва метаболик профилни шакллантирган.

Сурункали эндометрит учун С-реактив оқсил даражаси 10 мг/л дан юқори бўлиши энг катта диагностик аҳамиятга эга бўлган ( $p = 0,52$ ; НИ = 3,1;  $p < 0,001$ ), касалликнинг яллиғланиш хусусиятини тасдиқлаган. Бу эса ўз навбатида камроқ даражада аҳамиятли, аммо статистик жиҳатдан ишончли бўлиб, артериал гипертензия (НИ = 1,9), ферритин (НИ = 1,5) ва анамнезда бачадондан аномал қон кетиш (НИ = 1,8) бўлган.

Эндометриал полиплар аксарият кўрсаткичлар билан нисбатан ўртача боғлиқликни кўрсатган. Бунда энг юқори прогностик аҳамият холестерин (НИ = 2,5), эстрадиол (НИ = 2,7), БАҚК (НИ = 2,1) ва ТВИ (НИ = 2,0) да қайд этилган. СРО ва ферритин ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли, аммо корреляция коэффицентлари пастроқ бўлган гуруҳларга кирган. Бу ўртача яллиғланиш компоненти ва потенциал метаболик ортикча юклама билан клиник-биокимёвий профилнинг ўчоқли-аралаш турини шакллантирган, бу ушбу нозологиянинг маълум клиник кўринишига мос келган.



**2-расм. Клиник тавсиялар билан эндометрий патологияси хавфини ҳисоблаш ойнаси**

